

Яқин кунларда Туркияда энг катта масжид фойдаланишга топширилади



10:05 / 20.11.2018 4000

Мазкур масжиднинг қурилиши 2013 йилда бошланган эди, - дейди Истанбул масжидлари жамияти раиси Урғин Куланк. - 2013 йилда Ражаб Тоййиб Эрдуғон Бош вазирлиги пайтида жоме пойдеворининг илк ғиштини қўйган.

Маълум бўлишича, "Чомлижа" (Қолмық) жоме масжиди шу пайтгача Туркияда мавжуд бўлган масжидларнинг энг каттаси бўлади. Очилишига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётган, бутунлай замонавий янгича услубда қурилган ушбу жоме масжиднинг умумий майдони 11 минг квадрат метр бўлиб, бир вақтнинг ўзида 60 минг намозхонни сиғдира олади. Шунингдек, унга олти минг баланд минора кўрк ва салобат бахш этиб туради.

Масжиднинг ичидан эса исломий китоблар музейи ҳамда 3,5 минг метр квадрат майдонли фан кўргазмаси жой олади. Масжид ёнида эса бир вақтнинг ўзида 3,5 мингта автомобил учун тураржой ҳам ҳозирланмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти